



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 15 » oktabr

№ 603

Toshkent sh.

### **Республиканинг сейсмик фаол зоналарида қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага мансуб бўлган бино ва иншоотларга зилзилабардошлиқ бўйича илмий хulosалар бериш тартибини жорий этиш тўғрисида**

“Ўзбекистон Республикаси ахолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 30 майдаги ПФ-144-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда республиканинг сейсмик фаол зоналарида қурилиши режалаштирилаётган бино ва иншоотларга зилзилабардошлиқ бўйича илмий хulosалар бериш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 30 майдаги ПФ-144-сон Фармони 4-банди “а”-кичик бандига мувофиқ:

**2022 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг сейсмик фаол зоналарида янги қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага мансуб бўлган объектларга зилзилабардошлиқ бўйича илмий хulosалар бериш тартибининг жорий этилиши;**

бунда **Курилиш вазирлиги** хавфлилик омили IV тоифага мансуб объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини **илмий хulosалар олишга йўналтиришга, Фанлар академияси** объектларга зилзилабардошлиқ бўйича илмий хulosалар беришга масъул этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи Республикаанинг сейсмик фаол зоналарида қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага мансуб бўлган бино ва иншоотларга зилзилабардошлиқ бўйича илмий хulosалар бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

loyiҳa-smeta ҳужжатлari тайёрлангандан кейин улар хавфлилик омили IV тоифага мансуб объектларга зилзилабардошлиқ бўйича илмий хulosалар олиш ҳамда экспертизадан ўтказиш учун буюртмачи ташкилотлар томонидан Курилиш вазирлигига тақдим этилиши;

лойиҳа-смета ҳужжатлари тушган кундан бошлаб **уч кун муддатда** хавфилик омили IV тоифага мансуб объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари Курилиш вазирлиги томонидан зилзилабардошлиқ бўйича илмий хulosалар олиш учун Фанлар академиясига йўналтирилиши;

лойиҳа-смета ҳужжатлари илмий хulosалар олиш учун йўналтирилган кундан бошлаб **бир кун муддатда** объектларнинг зилзилабардошлиқ бўйича илмий тажриба-синовини амалга ошириш учун буюртмачи ташкилотлар томонидан Фанлар академиясига қоғоз ёки электрон шаклда буюртманома тақдим этилиши ҳамда буюртманомага лойиҳалар, ишчи чизмалар ва бошқа зарур ҳужжатларни илова қилиш;

Фанлар академияси томонидан **ўн иш куни давомида** буюртмачи ташкилотлар билан лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида объектларни илмий тажриба-синовидан ўтказиш учун шартнома расмийлаштирилиши ва уларни зилзилабардошлиқ бўйича назарий ва амалий тажриба синовидан ўтказиш ишлари ташкил этилиши;

Фанлар академияси томонидан иш ҳажмидан келиб чиқиб **бир ойдан уч ойгача бўлган муддатда** илмий тажриба-синов натижалари асосида илмий хulosса қабул қилиниши;

Фанлар академияси томонидан илмий хulosса қабул қилгандан кейин **уч иш куни давомида** зилзилабардошлиқ бўйича илмий хulosанинг нусхасини буюртмачига етказилиши;

шартнома шартлари тўлиқ бажарилганда зилзилабардошлиқ бўйича илмий хulosанинг асли ва тақдим этилган ҳужжатлар Фанлар академияси томонидан буюртмачига берилиши.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Фанлар академияси ҳамда Курилиш вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргалиқда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И. Закиров, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С. Юлдашев зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва илмий фаолиятни ривожлантириш масалалари департаментига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “15” октябрдаги 603-сон қарорига  
илова

**Республиканинг сейсмик фаол зоналарида қурилиши  
режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага мансуб бўлган бино  
ва иншоотларга зилзилабардошлик бўйича илмий хulosалар бериш  
тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом республиканинг сейсмик фаол зоналарида (кейинги ўринларда – сейсмик фаол зоналар) қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага мансуб бўлган бино ва иншоотлар ҳамда уларнинг конструкцияларини, шунингдек, янги конструктив ечимларни зилзилабардошлик бўйича синовдан ўтказиш ва уларга илмий хulosалар бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**зилзила** – ер қобигининг ёки ер устки қатламишининг тўсатдан рўй берган силжиши, емирилиши ёки ўпирилиши оқибатида вужудга келган, узоқ масофаларга тарқаладиган тўлқинсимон тебранишлар тарзидаги ер ости силкинишлари ва тебранишлари;

**зилзила акселерограммаси** – зилзила натижасида ер юзасининг маълум нуқтасида юзага келадиган абсолют тебраниш тезланишининг вақт бирлигida ўзгариши;

**зилзиланинг синтезланган акселерограммаси** – маҳаллий сейсмикликни ва грунт шароитини инобатга олган ҳолда содир бўлган кучли зилзилалар тебраниш спектрларини ҳамда реал акселерограммаларини статистик усуллар билан қайта ишлаш асосида тузиладиган электрон маълумотлар бирлиги;

**кучли зилзила** – магнитудаси (зилзила қуввати) Рихтер ўлчови бўйича 5,0 ва ундан юқори бўлган зилзила;

**зилзилабардошлик** – аҳоли ҳаёти ҳамда мол-мулкининг хавфсизлигини таъминлайдиган, бинолар ва иншоотларнинг зилзила таъсирига бўлган мустаҳкамлик кўрсаткичлари;

**сейсмик жадаллик** – қабул қилинган шкала бўйича тавсифланган ер юзасининг зилзила натижасида тебраниш жадаллиги баллда ифодаланиши;

**сейсмик хавф** – муайян ҳудудда муайян вақт оралиғида аҳолининг ҳаётига таҳдид солувчи ҳамда бинолар ва иншоотларга зарар етказувчи зилзилалар юз бериши эҳтимоли;

**сейсмик фаол зона** – сейсмик жиҳатдан ҳудудлаштириш харитасида белгиланган, кучли зилзилалар юз бериши эҳтимоли доимо юқори бўлган ҳудуд;

**сейсмик хавфсизлик** – сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат органлари ва ташкилотлари томонидан аҳоли ҳаётини ва инфратузилма обьектларини зилзилалар натижасида келиб чиқадиган хавфлардан химояланганлик ҳолати;

**зилзилабардошлиқ бўйича илмий хulosса** – объектнинг назарий ва илмий тажриба-синов натижалари асосида зилзилабардошлиқ талабларига мувофиқлиги (номувофиқлиги) тўғрисида асосли хулосаларни ўз ичига олган илмий ҳисобот.

3. Сейсмик фаол зоналарда лойиҳалаштирилаётган бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш, содир бўлиши кутилаётган зилзила тайёргарлик кўриш ва унинг оқибатларини бартараф этиш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича зарур чораларни белгилаш сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган бино ва иншоотларга зилзилабардошлиқ бўйича илмий хулосалар беришнинг асосий мақсади ҳисобланади.

4. Сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага мансуб бўлган бино ва иншоотларга (кейинги ўринларда – бино ва иншоотлар) зилзилабардошлиқ бўйича илмий хулосалар беришда қўйидагилар назарда тутилади:

бино ва иншоотлар қурилиши режалаштирилаётган ҳудудларни сейсмик хавфни, сейсмотектоник ва муҳандис-геологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартлар даражасида баҳолаш;

бино ва иншоотларга кучли зилзилаларнинг сейсмик таъсирини “грунт-иншоот” тизимининг тебраниш параметрлари бўйича аниқлаш ва уни муҳандислик кўрсаткичларида баҳолаш;

бино ва иншоотларни эксплуатация даврида ҳудуд грунти шароитининг ўзгаришига мувофиқ унинг салбий оқибатларини прогноз қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

курилиш майдонларини танлашда сейсмик хавфни ва сейсмик таъсирини баҳолаш бўйича илмий ва норматив тавсияларни ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш моделларини яратиш;

бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш учун қурилиш майдонининг сейсмик хавфни ва сейсмик таъсирини ҳудуд учун олинган реал ёки синтезланган акселерограммалардан фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

бинолар ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуриш амалиётида замонавий сейсмик ҳимоя усулларини татбиқ этиш;

курилиш конструкциялари ва материалларининг мустаҳкамлик ҳамда механик хоссаларини ўрганиш;

хорижий қурилиш нормалари ва қоидалари талаблари бўйича лойихаланган бино ва иншоотлар конструкцияларининг зилзилабардошлигини назарий, амалий ҳамда экспериментал усуллар ёрдамида текшириш.

5. Илмий тажриба-синовдан ўтказиб, илмий хulosалар бериш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (кейинги ўринларда – ижрочи) томонидан мазкур Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Сифатли илмий тажриба-синовни ўтказиш ва улар натижаларининг ҳаққонийлиги, шунингдек, тажриба-синов натижаларини сақлаш учун жавобгарлик Фанлар академияси зиммасига юклатилади.

7. Илмий тажриба-синов илм-фан ва техниканинг замонавий ютуқларидан фойдаланган ҳолда мустақиллик, холислик, пухталик ва зилзилабардошлик мезонларини таъминлашга асосланади.

8. Илмий тажриба-синов ўтказиш ҳамда илмий хulosса бериш бўйича Фанлар академияси ва буюртмачи ташкилот ўртасида шартнома тузилади.

Шартнома қиймати Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 579-сон қарори билан тасдиқланган Объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича шаҳарсозлик ва лойиха хужжатларининг лойиҳавий ечимларини шаҳарсозлик хужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 6-илованинг 5-бандига мувофиқ белгиланади.

**2-боб. Сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган хавфлилиқ омили IV тоифага мансуб бўлган бино ва иншоотларга зилзилабардошлик бўйича илмий хulosалар бериш тартиби**

9. Сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган бино ва иншоотларга зилзилабардошлик бўйича илмий хulosалар бериш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

10. Буюртмачи ташкилотлар лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлангандан кейин уларни тегишли бино ва иншоотларга зилзилабардошлик бўйича илмий хulosалар олиш ҳамда экспертизадан ўтказиш учун Курилиш вазирлигига тақдим этади.

11. Курилиш вазирлиги лойиҳа-смета хужжатлари тушган кундан бошлаб уч кун муддатда тегишли бино ва иншоотларнинг лойиҳа-смета хужжатларини зилзилабардошлик бўйича илмий хulosалар олиш учун Фанлар академиясига йўналтиради.

12. Буюртмачи ташкилотлар лойиҳа-смета хужжатлари илмий хulosалар олиш учун йўналтирилган кундан бошлаб бир кун муддатда

объектларнинг зилзилабардошлиқ бўйича илмий тажриба-синовни амалга ошириш учун Фанлар академиясига қоғоз ёки электрон шаклда буюртманома тақдим этади ҳамда буюртманомага лойиҳалар, ишчи чизмалар ва бошқа зарур хужжатларни илова қиласди.

13. Фанлар академияси ўн иш куни давомида буюртмачи ташкилотлар билан лойиҳа-смета хужжатлари асосида объектларни илмий тажриба-синовдан ўтказиш учун шартнома расмийлаштиради ва уларни зилзилабардошлиқ бўйича назарий ва амалий тажриба синовидан ўтказиш ишларини ташкил этади.

14. Фанлар академияси иш ҳажмидан келиб чиқиб бир ойдан уч ойгача бўлган муддатда илмий тажриба-синов натижалари асосида илмий хулоса қабул қиласди.

15. Фанлар академияси уч иш куни давомида зилзилабардошлиқ бўйича илмий хулосанинг нусхасини буюртмачи ташкилотга етказади.

16. Фанлар академияси шартнома шартлари тўлиқ бажарилганда зилзилабардошлиқ бўйича илмий хулосанинг асли ва тақдим этилган хужжатларни буюртмачи ташкилотга юборади.

17. Зилзилабардошлиқ бўйича илмий хулосанинг нусхаси Фанлар академиясида доимий сақланади.

### **3-боб. Сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган бино ва иншоотларни зилзилабардошлиқ бўйича илмий тажриба-синовдан ўтказиш тартиби**

18. Сейсмик фаол зоналарда лойиҳалаштирилаётган бино ва иншоотларни зилзилабардошлиқ бўйича илмий (назарий ва амалий) тажриба-синовдан ўтказиш куйидаги тартибда амалга оширилади:

буюртмачи томонидан тақдим этилган қурилиш режалаштирилаётган ҳудуд учун архитектура-режа топширифи, қурилиш майдони ва синов объектининг ҳажмидан келиб чиқиб, лойиҳа техник хужжатлари асосида ўз вақтида объектни илмий тажриба-синовдан ўтказиш ва иш турига қараб иштирок этадиган илмий ходимлар сонини белгилаш;

иш турига қараб техник топшириқ тузиш ва ишларнинг календарь режасини тасдиқлаш;

буюртмачи томонидан тақдим этилган техник хужжатлар мажмуини ўрганиш;

курилиш майдони жойлашган ҳудудда кенг қамровли сейсмологик, сейсмотектоник, муҳандис-сейсмологик ва муҳандис-геологик тадқиқотларни олиб бориш;

ер ости сувлари динамикасининг шу ҳудуд сейсмиклигининг ўзгаришига таъсирини баҳолаш;

қурилиш майдонлари учун эҳтимоли юқори бўлган кучли зилзилаларда ер юзасининг тебраниш параметрларини миқдорий баҳолаш ва уч компонентли синтезланган акселерограммаларни тайёрлаш ва грунтларнинг жавоб спектрларини моделлар асосида ҳисоблаш;

бино ва иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш даврида грунт шароитининг ўзгаришини прогноз қилиш, шу жумладан, техник мелиорация натижасида қурилиш майдонининг сейсмик жадаллигини ва сейсмик таъсир параметрларини аниқлаш;

бино ва иншоотларнинг динамик ва мустаҳкамлик ҳолатини таъминлаш учун реал акселерограммалар базасини регионал миқёсда ишлаб чиқиш;

бинонинг лойиҳа ҳужжатлари ва чизмаларини ўрганиш;

бинони сонли усуллар асосида ишловчи дастурий таъминотлар ёрдамида сейсмик таъсирларга ҳисоблаш ва оптимал кўрсаткичларини аниқлаш;

бинонинг динамик кўрсаткичларини аниқлаш учун синов-тадқиқот ишларини ўтказиш;

экспериментал тадқиқотлар натижасида аниқланган динамик ва мустаҳкамлик кўрсаткичлари асосида бино ва иншоотларни зилзилабардошлика ҳисоблаш;

якуний синов ва ҳисоб натижалари асосида бинонинг зилзилабардошлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

зилзилабардошлик бўйича норматив талабларга мувофиқлаштириш ҳамда конструкцияларда аниқланган камчиликларни техник жиҳатдан қайта ишлаш юзасидан зарур тавсияларни расмийлаштириш;

якуний синов ва ҳисоб натижаларини зилзилабардошлик бўйича илмий хулоса кўринишида расмийлаштириш.

Зилзилабардошлик бўйича ўтказиладиган илмий тажриба-синов белгиланган тартибда илмий лабораторияларда амалга оширилади.

19. Илмий тажриба-синов ўтказиш шартномасида назарда тутилмаган, аммо зилзилабардошлик талабларига мувофиқ бажарилиши шарт бўлган ишлар ҳажми аниқланган ҳолатларда бу ишлар шартномага қўшимча битим асосида бажарилади.

20. Фанлар академияси буюртмачи ташкилот шартномада белгиланган миқдордаги дастлабки тўловни амалга оширгандан сўнг тажриба-синов объектининг зилзилабардошлигини баҳолашга киришади.

21. Илмий ходимлар илмий тажриба-синов объектининг ҳақиқий ҳолати ва унга қўйиладиган зилзилабардошлик талабларига мувофиқлигини баҳолайди, илмий тажриба-синов объектига тааллуқли ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини аниқлайди.

22. Ҳисоблаш ишлари ва унга асосан экспериментал синов тадқиқотлари ўтказилгандан сўнг илмий тажриба-синов натижалари юзасидан зилзилабардошлик бўйича илмий хulosса расмийлаштирилади.

**4-боб. Сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган бино ва иншоотларга зилзилабардошлик бўйича илмий хulosани расмийлаштириш тартиби**

23. Зилзилабардошлик бўйича илмий хulosса қуйидаги қисмлардан иборат бўлади:

- кириш;
- объект ҳақида умумий маълумотлар;
- асосий қисм;
- хulosалар ва тавсиялар;
- иловалар.

24. Зилзилабардошлик бўйича илмий хulosанинг кириш қисмida тажриба-синов мақсадлари, тажриба-синовни ўтказиш асослари (тажриба-синовни ўтказиш шартномаси), ижрочи тўғрисида маълумотлар, тажриба-синовни ўтказган илмий ходимлар ва мутахассислар ҳақида маълумотлар, буюртмачи ташкилот ҳақида маълумотлар, кўлланиладиган қисқартма сўзлар кўрсатилади.

25. Зилзилабардошлик бўйича илмий хulosанинг объект ҳақидаги умумий маълумотлар қисмida тажриба-синов объектининг рўйхати, тажриба-синовни ўтказиш жараёнида кўриб чиқилган хужжатлар ҳақида маълумотлар ҳамда тажриба-синов объекти тўғрисида маълумотлар келтирилади.

26. Зилзилабардошлик бўйича илмий хulosанинг асосий қисмida қурилиши лойиҳалаштирилаётган майдонларда олиб борилган дала тадқиқотлари ва улар асосида қурилиш майдонининг баҳоланган сейсмиклик даражаси ва параметрлари, ўтказилган синов ёки ҳисоблаш методикаси, экспериментал тадқиқотлар натижасида аниқланган динамик ва мустаҳкамлик кўрсаткичлари, улар асосида бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ҳисоблаш натижалари келтирилади.

27. Зилзилабардошлик бўйича илмий хulosанинг хulosалар ва тавсиялар қисмida тажриба-синов ўтказилган қурилиш майдонининг сейсмиклик даражаси ва муҳандислик кўрсаткичлари (реал ёки синтезланган акселерограммалари, тезланиш спектрлари, жавоб спектрлари) ҳамда объектининг зилзилабардошлик талабларига мувофиқлиги тўғрисида хulosалар ёки зилзилабардошлигини ошириш бўйича кўрсатмалар келтирилади.

28. Якуний синов ва ҳисоб натижалари бино ва иншоотлар, уларнинг конструкцияларининг мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган ҳамда зилзилабардошлигини ошириш бўйича амалий тавсияларни ўз ичига олади.

## **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

29. Зилзилабардошлиқ бўйича илмий хулоса берилган объектларни қуриш жараёнида қурувчи ёки объектдан фойдаланувчилар томонидан йўл қўйилган камчиликлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган ноxуш ҳодисалар юзасидан жавобгарлик ҳодисанинг юзага келишига сабабчи бўлган масъул ҳодимлар зиммасига юклатилади.

30. Буюртмачи ташкилот ва Фанлар академияси ўртасида объектнинг илмий тажриба-синови бўйича келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, у ўзаро келишув ёки қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш орқали ҳал қилинади.

31. Сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлиги бўйича илмий хулосаларни вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотларга уларнинг сўровлари асосида Фанлар академияси томонидан тақдим этиш тақиқланмайди, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган маълумотлар бундан мустасно.

Давлат сирларига оид маълумотларни умумлаштириш ва бериш тартиби ҳамда шартлари қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.



Республиканинг сейсмик фаол зоналарида  
курилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили  
IV тоифага мансуб бўлган бино ва иншоотларга  
зилзилабардошлиқ бўйича илмий хулосалар бериш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

**Сейсмик фаол зоналарда курилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили  
IV тоифага мансуб бўлган бино ва иншоотларга зилзилабардошлиқ  
бўйича илмий хулосалар бериш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Амалга ошириш механизми	Муддатлар
1-босқич	Буюртмачи ташкилотлар	Хавфлилик омили IV тоифага мансуб объектларга зилзилабардошлиқ бўйича илмий хулосалар олиш ҳамда экспертизадан ўтказиш учун лойиҳа-смета хужжатларини Курилиш вазирлигига тақдим этади.	Лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлангандан кейин
2-босқич	Курилиш вазирлиги	Хавфлилик омили IV тоифага мансуб объектларнинг лойиҳа-смета хужжатларини зилзилабардошлиқ бўйича илмий хулосалар олиш учун Фанлар академиясига йўналтиради.	Лойиҳа-смета хужжатлари тушган кундан бошлаб уч кун муддатда
3-босқич	Буюртмачи ташкилотлар	Объектларнинг зилзилабардошлиқ бўйича илмий тажриба-синовини амалга ошириш учун Фанлар академиясига қозоғ ёки электрон шаклда буюртманома тақдим этади. Буюртманомага лойиҳалар, ишчи чизмалар ва бошқа зарур хужжатларни илова қиласди.	Лойиҳа-смета хужжатларини илмий хулосалар олиш учун йўналтирилган кундан бошлаб бир кун муддатда
4-босқич	Фанлар академияси, буюртмачи ташкилотлар	Буюртмачи ташкилотлар билан лойиҳа-смета хужжатлари асосида объектларни илмий тажриба-синовдан ўтказиш учун шартномани расмийлаштиради ва уларни зилзилабардошлиқ бўйича назарий ва амалий тажриба синовидан ўтказиш ишларини ташкил этади.	Ўн иш куни давомида
5-босқич	Фанлар академияси	Илмий тажриба-синов натижалари асосида илмий хулоса қабул қиласди.	Иш ҳажмидан келиб чиқиб, бир ойдан уч ойгача
6-босқич	Фанлар академияси	Зилзилабардошлиқ бўйича илмий хулосанинг нусхаси буюртмачига етказилади.  Зилзилабардошлиқ бўйича илмий хулосанинг асли ва тақдим этилган хужжатлар буюртмачига берилади.	Хулоса қабул қилгандан кейин уч иш куни давомида  Шартнома шартлари тўлиқ бажарилганда*

*Изоҳ. \*Зилзилабардошлиқ бўйича илмий хулосанинг асли шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаган тақдирда берилмайди.*